



1913-yil aprel oyidan chiqqa boshlagan

Fidoyilik — vatanga xizmat demak!

2022-yil 13-yanvar, payshanba, 4 (23.571)-son

КУН ҲИҚМАТИ

Манфаат аралашган хизмат ҳолатбарорликка кирмайди

ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ

расман фаолиятини бошлади

Вилоят ҳокимининг 2022 йил 11 январь куни қабул қилинган фармойишига кўра, вилоятимиздаги 1120 та маҳалла фуқаролар йиғинида тadbиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари тайинланди.

Шу муносабат билан кеча вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ўроқов иштирокида матбуот анжумани ўтказилиб, мазкур янги тизим ва ҳоким ёрдамчиларининг вазифалари ҳақида маълумот берилди.

Маҳаллабай ишлаш тизими бўйича дастлабки ишлар вилоятимизда ўтган йил бошланган эди, — деди Ж.Ўроқов. — Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 3 декабрдаги "Маҳаллада тadbиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида"ги фармони билан бу ишлар таркомиллашди ва янги тизим йўлга қўйилди. Ўтган йилнинг декабрь ойидан ҳоким ёрдамчилигига номзодлар рўйхати шакллантирилиб, улар билан ўқувлар ташкил этилди, мақсад ва вазифалар тушунтирилди. 11 январдан расман ишга қабул қилинган 1120 нафар ёрдамчиларнинг 241 нафари шу пайтгача раҳбарлик лавозимида, 135 нафари ўринбосар сифатида, 741 нафари бўлим мудир, бош мутахассис бўлиб фаолият олиб борган. Шунингдек, улар орасида 166 нафар тadbиркор бор. 39 нафар хотин-қизлар ҳам ёрдамчи сифатида маҳаллада иш бошлади. Ҳоким ёрдамчилигига тайинланган шахсларнинг аввалги иш жойидаги лавозимини икки йилгача муддатга сақлаб қолинади ва бу даврда ушбу лавозимга бошқа шахслар



муддатли меҳнат шартномаси асосида вақтинча ишга қабул қилинади. Ҳоким ёрдамчилари: — маҳалладаги ишсиз аҳолини иш билан таъминлаш, уларга доимий даромад манбаини яратишга кўмаклашиш учун устувор равишда маҳалладаги муваффақиятга эришган тadbиркорлик субъектлари билан ҳамкорликда фаолият олиб боради; — республика вакиллари билан биргаликда ўзига бириктирилган маҳаллани ривожлантириш бўйича 2022 йилга мўлжалланган "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқиб, ижросини таъминлайди; — ажратилаётган ресурслардан самарали фойдаланиш юзасидан доимий мониторингинг амалга оширади. Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини тўғри ташкил қилиш мақсадида уларнинг бирин-

чи чорак иш режаси, ҳужжатлар жойлашуви номенклатураси тасдиқланди. Иш жараёнида фойдаланиши учун тайёрланган 84 варақдан иборат қўлланма ҳамда маҳалланинг иқтисодий кўрсаткичлари билан ишлаш бўйича асосий вазифалари жамланмаси етказилди. Ҳозирда ҳоким ёрдамчилари "Йўл харитаси" бўйича иш олиб бормоқда.

Бундан ташқари, ҳоким ёрдамчиларининг доимий равишда, иқтисодий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида, ҳоким ёрдамчилари телеграм канали ташкил этилиб, унга иш жараёнида фойдаланишлари учун 50 дан ортқ меъёрий ҳужжатлар рўйхати ва ушбу ҳужжатлар электрон шакли киритилди.

Ҳозирда ҳоким ёрдамчилари томонидан вилоятдаги барча маҳаллаларда хонадонбай хатлов ишлари амалга оширилаётган бўлиб, ҳар бир хонадон билан индивидуал ишлаш йўлга қўйилган. Вилоятда 100 та маҳалла фуқаролар йиғинини намунали маҳаллага айланттириш бўйича чора-тadbирлар режасини ишлаб чиқяпмиз.

2022 йилда аҳолининг тadbиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, ўзини-ўзи банд қилиш ва иш билан таъминлаш бўйича ажратилаётган 196 миллиард 953 миллион сўм субсидияларнинг мақсадли параметрлари маҳалла кесимида ҳар бир ҳоким ёрдамчисига тақсимланди.

Президентимизнинг 2021 йил 24 декабрдаги 62-сон қарорига мувофиқ маҳаллабай ишлаш ва ҳоким ёрдамчилари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Маҳаллабай ишлаш ва тadbиркорликни ривожлантириш бошқармаси, шунингдек, 16 та туман (шаҳар)даги марказлар фаолияти тузилмалари тасдиқланиб, улар зарур воситалар билан таъминланди.

Матбуот анжумани давомида Ж.Ўроқов журналист ва блогерларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.



14 ЯНВАРЬ ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

"Черик тузиб, навкар олмоқда уч қоидага амал қилдим: биринчидан, йигитнинг куч-қувватига, иккинчидан, қилишни ўйната олишига, учинчидан, ақл-заковати-ю камолотига эътибор қилдим. Шу уч фазилат жамулжам бўлса, навкарлик хизматига олдим. Негаким, куч-қувватли йигит ҳар қандай қийинчиликларга, азоб-уқубатларга чидамли бўлади, қилич ўйната оладиган киши рақибини мағлуб эта олади, оқил навкар ҳар жойда ақл-идрокини ишга солиб, мушкулотни бартароф этмоғи мумкин".

"Темур тузуқлари"дан.

(Давоми 2-саҳифада) >>>

Самарқанд вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг олтинчи чақириқ эллик бешинчи сессиясини чақиритиш тўғрисида

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

- Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг олтинчи чақириқ эллик бешинчи сессияси **2022 йил 21 январь куни соат 10:00 да** чақиритилсин.
- Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:
 - вилоят ҳокимининг туризм, спорт, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникациялар масалалари бўйича ўринбосари — вилоят туризм ва спорт бош бошқармаси бошлиғи Р.Қобилонинг вилоятда жойлашган моддий маданий мерос объектлари ва маданий бойликларни аниқлаш, ҳисобга олиш, муҳофаза қилиш, асраш ва улардан оқилана фойдаланиш, музей ашёларини ва музей коллекцияларининг бут сақланиши ҳолати тўғрисидаги ахбороти;
 - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили

(Омбудсман) минтақавий вакилиги (И.Тухтаинов)нинг 2021 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахбороти;

- вилоят адлия бошқармаси бошлиғи С.Нуриевнинг вилоятда норма ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати юзасидан 2021 йил якунлари ҳамда жойларда ҳуқуқий тарғибот ва маърифатнинг аҳоли тўғрисидаги ахбороти;
- "Самарқанд худудий электр тармоқлари корхонаси" акциядорлик жамияти директори Ф.Мамақулловнинг вилоят аҳолисини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи;
- "Худудга Самарқанд" газ таъминоти филиали раҳбари А.Мухаммадиевнинг вилоятда "Табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш" лойиҳасини амалга ошириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи;
- бошқа масалалар.

Вилоят ҳокими **в.в.б.** **Ж.ЎРОҚОВ.**
2022 йил 12 январь

Вилоят ҳокимининг 2022 йил 11 январдаги "Самарқанд вилоятида таълим сифатини оширишга эришилаётган мақсадли кўрсаткичлар бўйича охириги ўринларни эгаллаган мактабларда таълим сифатини кўтариш тўғрисида"ги қарорига кўра, 2020–2021 ўқув йили якунидан келиб чиқиб, вилоятдаги 200 та умумтаълим мактабига таълим сифатини ошириш учун тегишли туман, шаҳар раҳбарлари ва олий таълим муассасаларининг тажрибали профессор-ўқитувчилари бириктирилди.

200 та мактабга масъуллар бириктирилди

Жумладан, Каттакўрғон туманидаги 44 та мактабга туман раҳбарлари ҳамда Самарқанд давлат университети Каттакўрғон филиали, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессор-ўқитувчилари масъул бўлди. Рўйхатга Қўшарботдан 29 та, Нурабоддан 24 та, Ургутдан 21 та, Нарпайдан 19 та, Паст Дарғомдан 17 та, Самарқанд шаҳридан 16 та мактаб киритилган. Бу ва бошқа мактабларга ҳам масъуллар белгиланган. Аввало, ушбу мактабларнинг моддий-техника базаси ўрганилади ва аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича йўл хариталари ишлаб чиқилади. Ҳуқуқчилар ва ўқувчилардан назорат ишлари олинади, таълим сифатини ошириш бўйича тақлиф ва муаммолари ўрганилади. Ҳуқуқчилар салоҳиятидан келиб чиқиб, вариатив ўқув режалар асо-

сида олий таълим муассасаларига тайёрлов синфлари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг чет тиллари, аниқ ва табиий ҳамда ижтимоий гуманитар фанлардан тўғрақлари фаолияти йўлга қўйилади. Ҳуқуқчилар олган баҳоларнинг ҳафталик, ойлик мониторингинг юритилиб, муҳокама қилиб борилади. Битирувчиларни олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичини кўтариш мақсадида ўқувчиларни касбга йўналтириш ва уларнинг олий таълим муассасаларига киришини мувофиқлаштирувчи "Абитуриент штаблари" ташкил этилади. Давлат тест марказининг вилоят бўлими билан биргаликда ҳар уч ойда ушбу умумий ўрта таълим мактаблари битирувчилардан танлаган йўналишлари бўйича тест синовлари олинади. Тест натижалари мактаб педагог жамоаси ва ота-оналар иштирокида таҳлил қилинади.

Эътиборли ота жамиятга наф келтиради

Самарқанд шаҳридаги мактабларнинг бирида ўқийдиган, вояга етмаган ўқувчи қиз уяли телефон аппарати устида келиб чиққан жанжал оқибада 75 ёшли кампирни ўлдириб қўйган. Яна иккита ҳолатда вояга етмаган қизларда ҳомилдорлик аниқланган.

Янги йилнинг илк ойи биринчи ҳафта-сидаёқ бундай нохуш ҳолатларнинг содир бўлгани вилоят халқ таълими бошқармаси мутасаддиларини сергак тортирди ва ўтган шанба куни вилоятимизнинг барча умумий ўрта таълим мактабларида "Оталар куни" тadbирлари ўтказилди. «Вояга етмаганларнинг таълим-тарбия олишларида отанинг ўрни» мавзусидаги ушбу тadbирларда юқорида таъкидланган кўнгилсиз воқеаларнинг бош сабаби, уяли алоқа воситаларидан нотўғри фойдаланиш эканлиги таъкидланди. Мобил телефонлар аллақачон ҳозирги замоннинг ажралмас қисмига айланиб бўлди. Улар ёрдамида яқин инсонларимиз билан доимий мулоқотда бўлаемиз. Айниқса, телефонларнинг кейинги йиллардаги пандемия шароитида ўқувчи-талабаларнинг онлайн таълим олишларида асқатганини инкор этолмаймиз. Аммо унинг бир қанча зарарли томонлари ҳам бор. Жумладан, ундан чиқаётган кўринмас нур инсон, айниқса, бола саломатлиги, асаб тизимларига салбий таъсир кўрсатади. Бунинг устига, болаларнинг турли керасиз ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш имкони кенгайиб кетди. Оқибатда боланинг дарслардан чалғиши, дарсда мусиқа эшитиб ўтириши каби бир қанча зарарли омиллар пайдо бўлди. Шунинг учун дарс вақтида телефондан фойдаланиш умуман мумкин эмас. Боланинг мактабга келди-кеттисини билиб туриш, назорат қилиб боришингиз керак бўлса, унга оддий алоқа воситаси олиб

беринг. Токи, у тарбияси бузилишига сабаб бўладиган интернет саҳифаларига киришмасин. «Мактабга қимматбахо телефон билан келадиган, синфдошлар орасида табақаланишни юзага келтираётган ўқувчини, унинг ота-онасини жазоланг», деди оталардан бири. Ҳуқуқчилар ўқувчиларнинг уяли алоқа воситасидан фойдаланиши каттагина муаммоларни юзага келтириётган тўхталди. Улар 45 дақиқалик дарснинг асосий қисмини машғулотларга эмас, мобил алоқа домига тушиб қолган ўқувчиларнинг эътиборини жамлаш ва аудиторияни тинчлантириш билан ўтказишга мажбур. Танаффусда болалар бир жойда тўпганиб, телефонидидаги расмлар, видеотасвирлар, қўшиқларни "муҳокама" қилади. Жазо тариқасида бир неча бор уяли алоқага ўқувчиларнинг кетганларнинг телефони олиб қўйилган, маҳалла раиси, профилактика инспектори ҳолатдан хабардор қилинган бўлса-да, кейинги дарсда яна шу ахвол такрорланаверган. Афсуски, тadbирга бу ўқувчиларнинг оталари келмаган... Қарийб 1,5 минг ўқувчи таҳсил олаётган мактабга йиғилган 100 чоғли оталар, ўқитувчи-педагоглар боланинг тарбияси, таълим олишига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни муҳокама қилиши. Таълим сифатини ошириш, бу борада ота-оналар ва ўқитувчилар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш юзасидан тақлифлар эшитилди. Мактабда ҳар ойда бир мартабада "Оталар куни" тadbирини ўтказишга келишиб олинди. Ота — оила бошлиғи, хонадон устун. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракати болаларнинг диққат-марказида бўлади. Истайсизми-йўқми, фарзандлар отага, унинг юриш-туриши, одоб-ахлоқига тақлид қилади. Шундай экан, оталарнинг ўрни нафақат оилада, балки кўча-қуйда, таълим муассасасида соғлом муносабатнинг шаклланиши учун фарзандларини яхши тарбиялашда, уларнинг орзуларини амалга оширишида ҳам намоён бўлади.

А.ШЕРХОЛОВ.

Банк картангизга қўшимча маблағ тушишига нима дейсиз?



Солиқ мобил иловасида чек QR-кодини сканерлаб 1 фоиз кешбекка эга бўлинг. 2022 йил 1 январдан чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш объектларида амалга оширилган харид учун берилган онлайн назорат-касса техникаси чеклари QR-кодини Солиқ мобил иловасида сканерлаш орқали рўйхатдан ўтказган жисмоний шахслар харид суммасидан 1 фоиз кешбекка эга бўлади (<https://t.me/soliqnews/6733>). Маблағ жисмоний шахсларнинг банк карталарига ой якуни билан қайтарилди. Автомобиль сотиб олганлик, темир йўл ва авиа чипта хариди, коммунал ва алоқа хизмати учун тўловлар амалга оширилганда олинган харид чеклари учун кешбек қайтарилмайди.



Солиқ мобил иловасини сканер қилиб, телефонингизга ўрнатинг.

АРМИЯ — ҲАЁТ МАКТАБИ

Аскарлик либосидаги йигитларнинг саф тортиб, шахдам қадам ташлаётганини кузатганмисиз? Уларнинг ўткир нигоҳида, сўнмас ғайрат-шижоатида она-юртга муҳаббат, ватанпарварлик акс этади.



Марказий ҳарбий округнинг Самарқанд гарнизонидаги ҳарбий қисмда йигитлик бурчини ўтаётган муддатли ҳарбий хизматчилар фаолияти билан танишдик.

Ҳарбий хизматчиларнинг кун тартиби, машғулотларида тартиб-интизом, қоидага сўзсиз бўйсуниш - асосий талаб.

Аскарлар соат 6:00 да майдонда саф тортиб, бадантарбия машғулотларини бажаради. Кейин нонушта қилиб, жанговар ва

маънавий-маърифий машғулотларга киришади. Тўшликдан сўнг мустақил тайёргарлик. Бу вақтда китоб мутолаа қилиш, амалий ва спорт машғулотлари билан шуғулланиш, хорижий тилларни ўрганиш мумкин.

Ҳарбий хизматчилар ўқув ва амалий машғулотларни бажариши учун биномиз замонавий жиҳозлар билан таъминланган, - дейди взвод командирининг тарбиявий ва мафқуравий ишлар бўйича ўрин-

босари, капитан Истам Сафаров. - Бу ерда ҳарбий хизматчилар ахборот технологиялари бўйича билим ва кўникмаларини ошириши, маънавий-маърифий ҳамда жанговар тайёргарликни ўзлаштириши мумкин. Чет тилларини ўрганиши учун малакали мутахассислар жалб қилинган.

Армия ҳақида гап кетганда фақат жанговар тайёргарлик ва ҳарбий машғулотлардан иборат деб ўйлардим, - дейди қашқадарёлик оддий аскар Олтинбек Уралов. - Ҳарбий хизматга келганимга 10 ойдан ошди. Бу вақтда Ватаннинг, ота-онанинг, тинчликнинг қадрига етишни ўргандим. Ҳарбий соҳа бўйича маълум кўникмаларга эга бўлдим. Келажакда ҳарбий бўлмоқчиман. Армияда бу ниятимга етиш учун илк қадамларни қўйдим.

СЕРЖАНТЛИК — МАСЪУЛИЯТ

Қуролли Кучларимизда олиб борилган ислохотлар ҳар бир сержантдан юксак масъулият, ғайрат, шижоат, ҳалоллик ва садоқат билан юртига хизмат қилишни талаб этмоқда.

Сержант аввало, муваффақият сари интилувчи, жавобгарликни ўз зиммасига олишга қодир, ташкилотчи ва иродаси мустақкам шахс бўлмоғи керак. Шунингдек, сержант ўз зиммасидаги вазифаларни самарали бажариши, қўл остидагиларни ҳам шунга сафарбар этиши, гуруҳни, секцияни қийнаётган жиддий муаммоларни чуқур ўрганиб, мақбул ечим топиши талаб этилади. Муҳими, ватанпарварлик ва одиллик сержантнинг асосий сифатидир.

Таҳлиллар ва кузатишлар шуни тасдиқлайдики, барча командирилар (бошлиқлар) атрофида соғлом фикрловчи, изланувчан ва ташаббускор ҳарбий хизматчилар кўп бўлса, бундай ҳарбий қисмда муҳит ҳам



соғлом, ҳарбий хизматчиларнинг ишчанлик кайфияти ҳам юқори бўлади.

Сержантлар ўзининг одоб-ахлоқи ва маданияти билан ҳаммага ўрнак ва намуна бўлиши зарур. Бундай сержант бўлиш учун инсон қалбига имон, чуқур билим ва кенг дунёқараш бўлиши керак.

Тоҳиржон МАМАТОВ,
Кичик мутахассисларни тайёрлаш маркази катта ўқитувчиси.

Ҳарбийлар спортда ҳам фаол

Марказий ҳарбий округнинг Самарқанд гарнизонидаги ҳарбий қисмда тўрт йилдан буён спортчилар взводи фаолият олиб бормоқда. Унда ҳарбий хизматчилар спортнинг бокс, қўл жанги, дзюдо, миллий кураш ва аралаш жанг санъати турлари билан шуғулланади.

Взводда жисмоний ва жанговар тайёргарликни аъло даражада ўзлаштирган 70 нафардан ортиқ ҳарбий хизматчи саралаб олинган, - дейди спортчилар взводи

гуруҳ командири, катта лейтенант Бобур Собирбеков. - Улар вилоят, республика, Осиё ва халқаро, микёсдаги мусобақаларда қатнашиб фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Хусусан, ўтган йилда



34 та олтин, 46 та кумуш ва 33 та бронза медалини қўлга киритди. Ҳозирда ҳарбийлар машғулотларни давом эттириб, Хитой, Франция, Тожикистон ва бошқа давлатларда ўтказиладиган мусобақаларга

тайёргарлик кўрмоқда.

Ҳарбий спортчиларнинг ўтган йилда эришган ютуқларида спортнинг бел олиш ва уч кураш тури бўйича икки карра Ўзбекистон чемпиони, жиҳозхлик оддий аскар Камронбек Аҳмедовнинг муносиб ҳиссаси бор.

Ҳарбий хизматчилар ўртасида спортнинг дзюдо, бел олиш ва уч кураш турлари бўйича Ўзбекистон кубогига биринчи ва иккинчи ўринларни эгалладим, - дейди К.Аҳмедов. - Шунингдек, ўтган йил декабрь ойида Тошкент шаҳрида жиу-житсу бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақасида бронза медалини қўлга киритиб, ёшлар терма жамоаси аъзоси бўлдим. Муҳими, жорий йил сентябрь ойида Хитойда ўтказиладиган Осиё ўйинлари спорт мусобақасига йўлланма олдим.

Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг 30 йиллиги муносабати билан жойларда кенг кўламли тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Мазкур муҳим сана олдида юрт тинчлиги йўлида шарафли хизматни адо этаётганлар учун қонунчиликда белгиланган айрим имтиёزلар ҳақида тўхталганини лозим топдик.



ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА КИМЛАР ЧАҚИРИЛМАЙДИ?

Саломатлигига кўра ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилган чақирилувчилар; - яқин қариндошларидан бири (ака-ўқаси, опа-синглиси) ҳарбий хизматни ўташ вақтида ҳалок бўлган ёки вафот этган чақирилувчилар; - рўйхатдан ўтган диний ташкилотлардан бирида диний рутба эгаси бўлган чақирилувчилар.

Жиноий жавобгарликка тортилган, шунингдек, судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар ҳам ҳарбий хизматга чақирилмайди.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ УЧУН ТАВСИЯ

Қуролли Кучлар сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган, жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик бўйича юксак натижаларга эришган, зарурий билим савиясига эга, намунали ҳарбий интизомини намоян этган энг муносиб ҳарбий хизматчиларга тавсияномалар берилади.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, тавсияномага эга бўлган фуқаролар:

- республиканинг олий ҳарбий таълим муассасаларидаги тегишли таълим йўналишларига ўқишга киришда тест синовлари натижаларига кўра ўзлари тўплаган балларнинг 50 фоизи миқдорда кўшимча балл шаклидаги имтиёзга;
- республикадаги ОТМнинг (олий ҳарбий таълим муассасалари бундан мустасно) бакалавриатига ўқишга кириш учун ОТМ қабул параметрларидан ташқари ажратиладиган алоҳида қабул кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Тавсияномалар берилган санадан уч йил мобайнида амал қилади.

ОИЛАСИГА ИМТИЁЗ БЕРИЛАДИ

Турмуш ўртоғи ёки ота-онаси ҳарбий хизмат ўташ жойини ўзгартирганда талабалар ўқишини кўчириш баҳорги семестрда ўқув машғулотлари бошланишидан олдин ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ўн тўрт ёшга тўлмаган битта ёки ундан ортиқ болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига таътил уларнинг хоҳишига кўра, ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилади.

ҲАРБИЙЛИККА ҚАЧОНГАЧА ЎҚИШ МУМКИН?

Олий ҳарбий таълим муассасаларининг курсантлари лавозимларига қабул қилинишдаги ёш цензураси 17 ёшдан 23 ёшгача (илгари 21 ёшгача бўлган) этиб белгиланган.

Шунингдек, 26 ёшгача бўлган ва олий ҳарбий таълим муассасаларида алоқа муҳандис техник ва ҳарбий-тибиёт ихтисослиги бўйича ўқиш истагини билдирган Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг талабалари олий ҳарбий таълим муассасаларининг курсантлари лавозимларига ўқишга қабул қилинишлари тўғрисидаги норма мавжуд.

ТИЗИМДА ЁШ ЧЕГАРАСИ БОР

Қонун ҳужжатларида ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий хизматда бўлиш

ҲАРБИЙЛАР

ва уларнинг оила аъзоларига қандай имтиёزلар бор?

ёшининг чегаралари алоҳида белгиланган. Унга кўра:

- контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган оддий аскарлар (матрослар), сержантлар (старшиналар) учун - 45 ёш;
- кичик офицерлар учун - 45 ёш;
- катта офицерлар учун - 50 ёш;
- полковниклар (1-даражадаги капитанлар) учун - 55 ёш;
- генерал-майор, генерал-лейтенант ва генерал-полковник ҳарбий унвонидagi офицерлар учун - 60 ёш.

КўП ХИЗМАТ УЧУН КўПРОҚ ТАЪТИЛ

Контракт бўйича ҳарбий хизматчиларнинг ҳар йилги навбатдаги таътилларига кўшимча тарзда, хизмат йилларининг календарь ҳисобига кўра:

- 10 йиллик ҳарбий хизматдан сўнг давомийлиги 5 суткалик;
- 15 йиллик ҳарбий хизматдан сўнг давомийлиги 10 суткалик;
- 20 йиллик ва ундан кўп ҳарбий хизматдан сўнг давомийлиги 15 суткалик кўшимча таътил берилади.

Ҳарбий хизматдан бўшатилаётган вақтда камида йигирма календарь йили мобайнида ҳарбий хизматни бекқонс ўтаган офицерлар таркибига мансуб контракт бўйича ҳарбий хизматчиларга тегишли буйруқлар билан ҳарбий формани кийиш ва фарқловчи нишонларни тақиш ҳуқуқи берилади.

БЕПУЛ ТИББИЙ ТАЪМИНОТ

Катта офицер ва генераллар таркиби билан бир қаторда резервга (истеъфога) бўшатиладиган (чиқарилгандан) сўнг ҳарбий-тиббий муассасалардаги бепул тиббий таъминотдан фойдаланиш ҳуқуқи хизмат йилларининг умумий давомийлиги 20 йил ва ундан ортиқ бўлган кичик офицерлар, сержант ва оддий аскарлар таркибига нисбатан ҳам таътил этилади.

Ҳарбий хизматни ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектида ўтаган пенсия ёшидаги шахслар амбулаторияда даволанишда дори воситалари билан имтиёзли таъминланиш ҳуқуқига эга.

ЯШАБ ТУРГАН УЙИГА УМРБОД ЭГАЛИК

Турар жой билан таъминланмаган оддий аскар, сержант ва офицерлар таркибига кирувчи шахсларга амалдаги сарф-ҳаражатлар доирасида (коммунал хизматлар ҳақи бундан мустасно):

- Тошкент шаҳрида — базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача;
- Нукус шаҳрида ва вилоятлар мар-

казларида — БҲМ 3 бараваригача;

- бошқа шаҳар ва туманлар марказлари ҳамда аҳоли пунктларида — БҲМнинг 2 бараваригача миқдорда тўланади.

Оила аъзолари уч киши ва ундан ортиқ бўлган тақдирда (ҳарбий хизматнинг ўзини ҳисобламаган ҳолда) ушбу пул компенсацияси миқдорлари 50 фоизга оширилади.

Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган (резервга, истеъфога бўшатилган) контракт бўйича ҳарбий хизматчилар ҳарбий хизматининг умумий давомийлиги 10 ва ундан ортиқ календарь йилга етганда уй-жой қонунчилигида кўзда тутилган меъёр ва тартибларга мувофиқ, ўзлари эгаллаб турган турар жойларини бепул хусусийлаштириб олиш ҳуқуқига эга.

БОШЛАНГИЧ БАДАЛСИЗ ИПОТЕКА КРЕДИТИ

Уй-жой билан таъминланмаган контракт бўйича ҳарбий хизматчиларга уларнинг аризасига биноан узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитини бериш тизими бўйича тақдим қилинаётган ижтимоий нормаси доирасида сотиб олинган (қуриладиган) турар жой қийматининг 25 фоизи миқдоридagi дастлабки бадал давлат бюджети маблағлари ёки қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан тўланиши мумкин.

БОҒЧАГА НАВБАТГА ҚАБУЛ

Ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари яшаш жойи, шу жумладан, вақтинчалик яшаш жойи бўйича мактабгача таълим муассасалари ва ўрта таълим муассасалари, шунингдек, вазирликнинг болалар соғломлаштириш лагерларига навбатсиз қабул қилинади.

Яъни, боғчада бўш ўринлар мавжуд бўлганда ҳарбий хизматчиларнинг болаларига биринчи навбатда йўлланма берилади.

БЕПУЛ ЙЎЛОВЧИ ТРАНСПОРТИ

Ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва контракт бўйича оддий аскарлар ҳамда сержантлар таркибидagi ҳарбий хизматчилар шаҳар йўловчи транспортдан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ярадор бўлган ҳарбий хизматчилар, ишчилар ва хизматчилардан 1 ва 2-гурӯх уруш ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахсларга темир йўлларда йилга бир марта бепул юриш ҳуқуқи (бориш ва келишга) тақдим қилинган.

Ijtimoiy tarmoqlarni kuzatsangiz ba'zi "oltin bosh"larning xorijda mehnat qilayotgani, o'z iqtidorini o'zga yurt uchun sarflayotganiga guvoh bo'lasiz. Yoshlar bilan suhbatlashangiz, ayrimlari tezroq xorijga chiqib ketishni istayotgani, O'zbekistonda muammolar ko'pligi, ishlari yurishsa, chet el fuqaroligini olib, o'zga yurtda qolib ketishni rejalashtirayotganini aytadi. Keksalar esa iqtidorli mutaxassislar kamayib ketgani, shuning uchun soha mutaxassislari o'z ishini puxta bajara olmayotganidan nolishadi.

To'g'ri, bugun rivojlangan davlatlar bizdan ancha ilgari ketgan. Ammo bu taraqqiyotni ularga chetdan birov kelib qurib bermagan, o'sha yurtning fuqarolari vijdonan mehnat qilgan va har bir sohada yetuklikka erishib, rivojlangan davlatlar qatoridan joy olgan. Xo'sh, nega farzandlarimiz o'z bilim va iqtidorini Vatanga sarflashdan ko'ra, chet elni orzu qilmoqda? Sababi, ayrim yoshlarimiz

VATANPARVARLIK tarixni o'qishdan boshlanadi

yoxud "oltin bosh"lar nega xorijga ketyapti?



tarixini, ota-bobolarimiz qoldirib ketgan ulkan merosni bilmaydi. Tarixini bilgan xalq esa hech qachon o'zga yurtda muhojirlikka rozi bo'lmaydi. Xo'sh, yoshlar qalbida Vatanga muhabbatni

qanday paydo qilish mumkin? Qurolli Kuchlarning 30 yilligi munosabati bilan yaqinda Samarqand garnizonidagi harbiy qismida ochilgan tarix o'quv binosida bo'ldik.

O'quv binosining har bir xonasi tarixdan so'zlaydi, katta-yu kichikni o'ziga ohanrabodek tortadi. Masalan, Zahiriddin Muhammad Bobur hayotiga bag'ishlangan xona devorida shoh va shoirning harbiy faoliyati, olib borgan janglari, Hindistonda o'ziga askar bilan katta qo'shinga qarshi yurishi, jangda dushmanini qanday qurshab olgani va g'alabasi, Boburiylar shajarasi, Toj Mahal tasvirlangan. Xonani bir ko'zdan kechirgan kishi Boburning shonli va mashhaqqatli hayot yo'li bilan tanishadi. Xonadan o'sha davrda foydalanilgan qurol-aslahalar maketi ham joy olgan.

Shuningdek, ibtidoiy davr aks ettirilgan xonada zardo'shtiytlarning "Avesto" kitobi, Shiroqning jasarati, To'marlarning mardligi, Muqanna qo'zg'oloni bilan tanishasiz. Qadimgi davr tarixi shundoq ko'z oldingizda namoyon bo'ladi. Kitob o'qisa zerikadigan yoshlar bu xonada, albatta tarixga qiziqib qolishi va o'zlari istab tarix kitoblarini o'qishi shubhasiz.

Jaloliddin Manguberdi hayotiga bag'ishlangan xonadan uning jasarati, shiddatli janglari aks etgan lavha va ma'lumotlar, Xorazmshohlar davlati xaritasi joy olgan bo'lib, bu har bir o'g'lon qalbidagi vatanparvarlik hissini yanada oshiradi.

- Jaloliddin Manguberdi haqida ilmiy ish qilyapman, - deydi tarix fani o'qituvchisi

Mirjalol Akobirov. - Shu bilan birga ushbu harbiy qismda ishlayapman, harbiylarga tarix fanidan saboq beraman. Tarixini bilgan inson Vatani mehru-muhabbat bilan qo'riqlaydi, asraydi va buning uchun bor kuch-g'ayratini sarflaydi.

Binoda Sohobqiron Amir Temurga bag'ishlangan xona, ikkinchi jahon urushiga oid xona, 1925-yildan shu paytgacha davlat rahbarlari faoliyati aks ettirilgan bo'lim, Registon majmuasi va Buyuk Ipak yo'li maketi ham mavjudki, ularni shunchaki so'z bilan ta'riflab bo'lmaydi. Har bir bo'limda o'sha davr ruhi aks ettirilgan, hatto deraza pardalariga ham janglar, xaritalar tasviri tushirilgan.

Yoshlar harbiy qismdagi tarix o'quv binosini bir aylansa, nafaqat tariximizni o'rganadi, balki Vatanga muhabbat oshadi, o'zligimiz, milliy qadriyatlarimizga mehr qo'yadi. Mana shunday tarixdan so'zlovchi o'quv xonalari har bir maktabda tashkil etilsa, yoshlarimiz kelajakda o'z bilimlarini Vatana ravnaq yo'lida sarflaydi. "Men xorijga chiqib ketishim kerak", deb emas, "Men Vatanim rivojiga hissa qo'shishim kerak", deb harakat qiladi. Vatandarvarlik tarixini o'rganishdan boshlanadi.

Xurshida ERNAZAROVA.

▶▶ Саноат янгиликлари

Нарпайда 320 минг доллар эвазига иссиқхона қурилди

Нарпай туманида ёш тadbиркор Сарвар Хушиев раҳбарлик қиладиган "Mo'jiza agro group" масъулияти чекланган жамияти йилдан-йилга фаолиятини кенгайтириб борапти.

Шу пайтгача жамият қошида яхна ичимлик суви ишлаб чиқариладиган, полиэтилен маҳсулотларни қайта ишлайдиган цехлар мавжуд эди. Шу йилнинг сентябрь ойида қиймати 320 минг долларлик янги лойиҳа ишга

туширилди.

- 1,5 гектар майдонда замонавий иссиқхона барпо этдик, - дейди тadbиркор С.Хушиев. - Натижада 17 та янги иш ўрни яратилди. Бу ерда помидор етиштирялмиш. Бир мавсумда 150 тонна ҳосил олишни режалаштирганмиш.

Энерготехамкор, кўмир билан иситилган иссиқхона Хитой технологияси асосида бунёд этилган. Бу ерда 27 минг туп помидор кўчати парваришланмоқда. Ҳар бир туп кўчатдан 5-7 килограмгача ҳосил олиш мумкин.

Тўлқин СИДДИҚОВ.

2021 йил якуни билан вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманида саломатлик йўлакларни фойдаланишга топширилди. Биргина Самарқанд шаҳрининг ўзида 30 километрдан зиёд шундай йўлаклар қурилди.

Университет хиёбони, Беруний, Рудакий кўчаларидаги пьедалар йўлакларни талаб даражасида қурилган. Қизил ва кулранг тоифага бўлинган йўлакларда нафақат пьедалар, балки велосипедчиларни ҳам кўриш мумкин. Бироқ Даҳбет кўчасидаги 1-хаммом рўпарасида пьедалар йўлагини қовлаётган шахслар бизнинг саволларимизга жавоб беришни истамасди.

Янги қурилган йўлакни бузиб, расвосини чиқаришди, - дейди Даҳбет маҳалласида истиқомат қилувчи Раҳмон Усмонов. - Уларга бу ишлари яхши эмаслигини айтганимизда, биз рухсат олганмиш, дея ишларини давом эттиришляпти. Маҳалла ичкарасига ичимлик суви ва оқова тармоқлари тортиш учун 1 метр чуқурликда хандақ қазилмоқда. Қанча маблағ сарфланиб қурилганку ахир, бузиб кетаверишадими? Бунинг учун ким жавоб беради?

Вилоят юқумли касалликлар шифохонасига яқин ҳудуддаги пьедалар йўлакларига ёндош тор кўчаларнинг асфальт ёки бетон билан қопланмаганлиги сабаб абгор аҳволга келиб қолган. Кўчага туташ тош-тупроқ йўлак ёмғир ёққач, лой ва балчиққа айланбди. Шунингдек, бетон ариқчалар қурилиш чиқиндилари, барг ва шох-шаббалар билан тўлиши туфайли сув йўлини тўсиб қўйган.

Даҳбет кўчасида жойлашган 6-умумтаълим мактаби ёнидаги канализация қудуғининг қопқоғи йўқлиги эътиборимизни тортиди. Очиқ қудуққа кимдир белги сифатида ёғоч тиқиб қўйибди.

Ёмғирдан сўнг чўккан пьедалар йўлакларини О.Маҳмудов ва Маҳмуд Кошгарий, Ўзбекистон, В.Абдуллаев кўчаларида ҳам кўриш мумкин. Айниқса, Самарқанд шаҳар 2-турғуқонаси яқинда йўлаклар талабга жавоб бермади. Баъзи жойларда синган бетон ва плитка бўлакларни, қурилиш чиқиндилари мавжуд.

Бир ой илгари Zarnews.uz телеграм каналда Амир Темир кўчасидаги айрим ошхона, савдо дўкони ҳамда меҳмонхоналарнинг пьедалар йўлакларини тўсиб қўйганлиги, йўлаклар қурилиш майдонига айлангани танқид қилинганди. Орадан шунча вақт ўтса-да, танқиддан тегишли хулоса қилинмаган кўринади. Давлат идоралари ва янги қурилган кўп қаватли уйлар олдида пьедалар йўлакларни тартибга солинган. Аммо вилоят транспорт бошқармаси, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти академик лицейига яқин жойларда яшил майдонлар топталиб, йўлаклар яроқсиз аҳволга келган. Қурилиш давом этаётган биноларнинг қурилиш чиқиндилари, қоғоз парчаларини, айрим жойларда эса канализация қудуқларидан оқова сизиб йўлакка чиқаётганлигини кузатиш мумкин.

Буюк Ипак йўли кўчасидаги пьедалар йўлакларини «уддабурон» тadbиркорлар томонидан «Автокредит» ёзуви билан энгил машиналар билан тўсиб қўйилган. Уларни машина сақлаш жойи бўлса-да, пьедаларнинг ўтишлари халлақит берган ҳолда йўлакларда сақланаётгани ажабланарли.

Пьедалар йўлагига сотиш учун қўйилган машиналар билан тўсиб қўйилганини суратга олаётганимизни кўрган айрим тadbиркорлар нима учун бундай қилаётганимиз билан қизиқшишди.

- Икки йилдан буён қонуний тadbиркорлик билан шугулланамиз, - дейди исмини айтишни

хоҳламаган машина сотувчи йигит. - Бу жойни ижарага олганмиш. Тўғри, шаҳар ҳокимиятидан келиб машиналарни пьедалар йўлагига чиқармаслигимизни тайинлашган. Агар машиналарни кўча ёқасига ёки йўлакка қўймасак хариддорларни қизиқтира олмаймиш. Натижада бозоримиз касод бўлади.

«Мархабо» бекати яқинидаги улгуржи савдо дўконлари, ошхоналар кириш қисми пьедалар йўлагига чиқиб

▶▶ «Зарафшон» бонг уради



ПЬЕДАЛАР ЙЎЛАКЛАРИ САВДО МАЙДОНИ ЭМАС



кетганлиги йўловчиларга қийинчилик туғдирмоқда.

- 51-умумтаълим мактаби атрофидаги кўп қаватли уйлардан бирида яшайман, - дейди Ҳолиқ бобо. - «Дом»имиз атрофида кеча-кундуз юзлаб машиналарнинг шовқини тинмайди. Пешонасига «Автокредит» деб ёзиб олган машиналар бозорига айлиб кетган. Пьедалар йўлакларини эгаллаб олишгандан сайр қилиб бўлмайди. Ахир, бу уйларда ҳам кексалар, ёш болалар, ҳомиладор аёллар ҳам яшайди. Ҳаммининг жонига тегиб бўлишди. Нахотки, бу тadbиркорларни шаҳардан ташқарига чиқариб бўлмаса?

14-умумтаълим мактаби, шаҳар «Баркамол авлод» болалар маркази рўпарасидаги пьедалар йўлагидан бу яқин орада мутасаддилар ўтмаган кўринади. Чунки у ердаги пьедалар йўлагига 15 йил илгари тўшалган асфальт қопламасининг айрим жойлари кўчиб, баъзи жойлари уваланиб кетган. Чўкур жойларда кўлмаклар пайдо бўлганлигидан йўловчилар ўтиб бўлмайди деган ҳолатга келиб қолибди. Камига йўлакка ўрнатилган бетон гулхона аллақачон ўз вазифасини ўтаб бўлган.

Кўчада жойлашган шаҳар болалар шифохонаси олдидаги йўлакка ташкил этилган қўлбола «бозорча»ни нахотки, бирорта мутасадди кўрмаган бўлса? Ёки, Самарқанд шаҳар марказий поликлиникаси олдидаги лой босган пьедалар йўлагини кўриб, бу ер шаҳар масъулари назаридан четда қолганмикан, дея ўйлаб қолсан.

Шу-

нингдек, «Худудгаз Самарқанд» МЧЖ олдида ҳам пьедалар ўтиши учун шароит яратилмаган. Чунки мазкур кўчада жойлашган қурилиш моллари дўконлари эгалари дарахт экиш, гулхона ёки яшил майдонча ташкил этиш ўрнига пьедалар йўлагини тўсган ҳолда ўз маҳсулотларини қўйиб олишган.

Алишер Навоий шохқўчасида пьедалар йўлагининг қурилганига кўп бўлган эмас. Бироқ аҳолининг қувончи узоққа чўзилмади, канализация тармоқлари тортилиши баҳонасида йўлакнинг 350-400 метр қисми кавлаб ташланди. Қурувчилар совуққа қолмасдан ўз ишларини бажаришди-ю, йўлакни таъмирлашни унуттишган, шекилли.

Пьедалар йўлакларини қуриш учун давлатимизнинг миллиардлаб маблағи сарфланганини унутмаслик керак. Бунинг учун жамоатчилик назоратини кучайтириш зарур.

Дилмурод ТўХТАЕВ.
Бахтиёр МУСТАНОВ
олган суратлар.

Туманда 2022 йилда саноат йўналишида умумий қиймати 187 миллиард сўм бўлган 23 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Мазкур лойиҳалар мрамар, гранит, кварц, олтин каби руда ва нурда қазилма бойликларига эга бўлган Оқчопсой, Урганжи, Тегирмоновул, Қувқалла, Шована ва Бойўршили маҳаллалари ҳудудига жойлашган табиий ресурсларни қазиб олиш, қайта ишлаш ҳисобига амалга оширилади.

Қўшрабда иккита корхона гранит ва мрамар тош экспорт қилади



"NUROTA GRANITE AND MARBLE" хоррий корхонаси 2020 йил июль ойидан буён гранит тош қазиб олиш ва қайта ишлаш билан шугулланади.

- Корхонамизда 20 нафарга яқин ишчи меҳнат қилади, - дейди корхона раҳбари Зафар Худойбердиев. - Жорий йил сентябрь ойида гранит тошларини қазиб олиш ва қайта ишлаш йўналишида 507 минг АҚШ долларини миқдорда тўғридан-тўғри хоррий инвестициялар Хитойдан замонавий асбоб-ускуналар шаклида олиб қирилди. Шунингдек, корхонада Россия Федерациясига 900 минг АҚШ долларини миқдорда гранит тошларини экспортга йўналтириш бўйича шартнома имзоланиб, 800 минг АҚШ долларини миқдор

рида тўғридан-тўғри хоррий инвестиция жалб этишга келишилди.

Тумандаги "SARTOQCHI MRAMOR" масъулияти чекланган жамияти ҳам мрамар тош қазиб олиш ва қайта ишлаш фаолиятини олиб боради.

- Олдин мрамар тошларни фақат туманимизда сотардик, - дейди "SARTOQCHI MRAMOR" масъулияти чекланган жамияти директори Незьматулла Юсупов. - Энди вилоятимиз ва республикамизнинг турли ҳудудларида мрамар тошларни импорт қилляпмиз. Яқинда 180 минг АҚШ долларига Хитойдан замонавий пардозлаш ускуналари олиб келиб, яна 10 кишини иш билан таъминладик.

Ф.ФАХРИДИНОВ.

REKLAMA, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUHOJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

КОРХОНА, ТАШКИЛОТ РАҲБАРЛАРИ ВА ТADBIRKORLAR DIQKATIGA!

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг 2021 йил 4 ноябрдаги VI-46-85-7-0-K/21-сонли қарори ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 2021 йил 24 ноябрдаги 165-7-0-Q/21-сонли қарорининг 1-иловасига асосан корхона, ташкилотлар ва тadbirkorлар билан Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ҳузуридидаги "Марқанд обод" ДУК ўртасида қаттиқ маъиший чиқиндиларни олиб чиқиш кетиши бўйича тузилган шартномаларнинг 2.2 бандига кўра хизматларнинг ойлик суммаси 2022 йил январь ойидан бошлаб 37 фоизга онлайн тарзда оширилганлигини маълум қиламиш.

"МАРОҚАНД ОБОД" ДУК МАЪМУРИЯТИ.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Тойлок туман давлат хизматлари марказидан 2019 йил 24 январда 670939 реестр рақами билан рўйхатга олинган «OSETRA-BELUGA» масъулияти чекланган жамияти (қискартирилган номи: «OSETRA-BELUGA» МЧЖ) жамият таъсисчиларининг 2021 йил 23 декабрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилган, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Тойлок тумани, Қўрғонча маҳалласи.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 306030354.

Самарқанд шаҳридаги «ZAMON TRANS AVTO» шўъба корхонаси (СТИР: 205493074) ўз ташкилий-ҳуқуқий шаклини «ZAMON TRANS AVTO» масъулияти чекланган жамиятига ўзгартиради. «ZAMON TRANS AVTO» масъулияти чекланган жамияти «ZAMON TRANS AVTO» шўъба корхонасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Шу муносабат билан унга билдирилладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри Тошкент кўчаси, 1-уй.

Пайриқ туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Тоштемиров Алишер Пўлатович нотариал идорасида марҳум Раҳимов Жаҳангир Мусурмоновичга (2019 йил 8 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг

Тоштемиров Алишер Пўлатович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиш.

Манзил: Пайриқ тумани Челек шаҳарчаси Обод кўчаси, 35-уй, 3-хона.

Пайриқ туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Мухаммадиев Фарҳод Жўрақулович нотариал идорасида марҳум Тошқулов Откулга (2021 йил 28 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мухаммадиев Фарҳод Жўрақулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиш.

Манзил: Пайриқ тумани Челек шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 76-уй.

Пайриқ туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Мухаммадиев Фарҳод Жўрақулович нотариал идорасида марҳум Бердиярова Назира Темировнага (2014 йил 18 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мухаммадиев Фарҳод Жўрақулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиш.

Манзил: Пайриқ тумани Челек шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 76-уй.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Мирзаева Барно Жўрақуловна нотариал идорасида марҳум Болбекова Нисонга (2020 йил 16 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мирзаева Барно Жўрақуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиш.

Манзил: Жомбой тумани Тошкент кўчаси, туман давлат хизматлари маркази биносига.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Мирзаева Барно Жўрақуловна нотариал идорасида марҳум Раҳматов Сайфидин Жумасевичга (2016 йил 26 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мирзаева Барно Жўрақуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиш.

Манзил: Жомбой тумани Тошкент кўчаси, туман давлат хизматлари маркази биносига.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Мухиддинович нотариал идорасида марҳум Султонов Абдурахимга (2020 йил 4 августда вафот эт-

ган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Мухиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиш.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Мухиддинович нотариал идорасида марҳум Фаёзова Музафаройига (2018 йил 24 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Мухиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиш.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Пайриқ туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Мухаммадиев Фарҳод Жўрақулович нотариал идорасида марҳум Бурҳанов Абдурашидга (2021 йил 23 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мухаммадиев Фарҳод Жўрақулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиш.

Манзил: Пайриқ тумани Челек шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 76-уй.

Пайриқ туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Тоштемиров Алишер Пўлатович нотариал идорасида марҳум Абдусаматов Абдурашид Тулабаевичга (2016 йил 28 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Тоштемиров Алишер Пўлатович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиш.

Манзил: Пайриқ тумани Челек шаҳарчаси Обод кўчаси, 35-уй, 3-хона.

Пайриқ туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Адиллов Хундидин Худаяровичга (2008 йил 7 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиш.

Манзил: Пайриқ тумани Челек шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 76-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Джалалова Саня Асату-

рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Иштихон туманидаги 54-ўрта мактабдан 1991 йилда Тагаева Сурайё Абдурахимовна номига берилган В № 516326 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Иштихон туманидаги 54-ўрта мактабдан 1993 йилда Тагаева Сурайё Абдурахимовна номига берилган АУ № 163655 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут касб-ҳунар лицейидан 2001 йилда Дустов Отамурод Ҳакимович номига берилган рўйхат рақами 865, К № 008085 рақамли имтиёзли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Нуробод туманидаги «YORQUL NUROBOD G'ALLAZORI» фермер ҳўжалигининг (СТИР: 305575396) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги 23-сонли умумий ўрта таълим мактабидан 2021 йилда Болтаева Чаросой Ихтиёр қизи номига берилган UM № 0971972 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 13-умумий ўрта таълим мактабидан 2013 йилда Акмалова Нигина Икром қизи номига берилган U № 5880625 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайриқ туманидаги 79-сонли умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Шокиров Сардор Исмоил ўғли номига берилган UM № 0521057 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 13-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Эрнафатов Бехруз Хусниддин ўғли номига берилган рўйхат рақами 44, Л № 0021965 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайриқ тиббиёт коллежидан 2017 йилда Абдуллаева Хумора Мухаммад қизи номига берилган рўйхат рақами 40, К № 4676639 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд таянч тиббиёт коллежидан 2018 йилда Жуманазарова Гузал Фарҳод қизи номига берилган рўйхат рақами 674, К № 5102736 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат университетини ҳузуридидаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий марказидан 2018 йилда Хасанова Гулсанам Ибодуллаевна номига берилган рўйхат рақами 0837, QT № 057840 рақамли қайта тайёрлов дипломи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Оқдарё политехника касб-ҳунар коллежидан 2016 йилда Хасанова Наргиза Эшмамет қизи номига берилган рўйхат рақами 51, К № 4288120

Вилоят Нурунийлар жамоатчилиги кенгаши жамоаси Нуробод тумани Нурунийлар жамоатчилиги кенгаши раиси Абдурахмон Шариповга уқаси

Абдумажид ШАРИПОВнинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбек тили тарихий та-
раққиёти давомида бир
нечта атамалар билан
номланган. Жумладан,
туркий тил, қадимий ўз-
бек тили, чиғатой тили,
сарт тили, туркистонли
тил, усмонли тил, деб
номланган вариантлари
учрайди.

Маҳмудхўжа Бехбудий «Ойи-
на» журнаlining 1914 йилдаги
22-сонидан 26-сонигача «Сарт
сўзи мажҳулдур» сарлавҳаси
остида туркум мақолалар чоп
этади.

А.Мадвалиев таҳрири ости-
даги «Ўзбек тилининг изоҳли
луғати»да «сарт» сўзи санскрит
тилидан олинган бўлиб, «кар-
вонбоши», «савдогар» маънола-
рини билдириб, қадимда Ўрта
Осиёдаги шаҳар ва қишлоқлар-
да ашаб, деҳқончилик, савдо ва
хунармандчилик билан шугу-
ланиб келган туркий халқлар
(жумладан, ўзбек)га нисба-
тан айтилган. Чор Россияси
ҳукмронлиги даврида ҳозирги
Ўзбекистон ҳудудидаги маҳал-
лий халққа европаликлар томо-
нидан берилган ном эканлиги
қайд қилинган.

Тилшунос олимлар У.Турсун-
нов ва Б.Ўринбоев санскритча
«сартван» (карвонбоши) сў-
зидан олинганлигини айтади.
Жумладан, XV асрдан эътиборан
Дашти Қипчоқда муомалада
бўлган «ўзбек» сўзи Мовароун-
наҳр ва Хоразм этник дунёсига
кириб келди ва бу ном кейинчи-
лик бутун бир миллатнинг номи
бўлиб қолди. Дашти Қипчоқда
яшаб келган кўчманчи чорвадор
туркий ўзбек қабиаларининг
номи Мовароуннаҳр ва Хоразмда
қадим замонлардан бери истико-
мат қилиб келаётган сартлар ва
барча туркий халқларга нисбатан
қўлланилган бўлди. «Ўзбек»
атамаси кейинчилик маҳаллий
халқлар ўртасида истеъмолда
кенг тарқалган «сарт» атамасини
ҳам сураиб чиқарди.

«САРТ СЎЗИ МАЖҲУЛДУР»



«Сарт» сўзининг маъноси
турли даврда мазмунан бойиб
борди. Масалан, «сарт» деганда,
дастлаб савдо аҳли тушунилган,
сўнг хунарманд ва деҳқонларга
нисбатан ҳам ишлатилган. Сарт
умуман ерли, ўтроқ аҳоли бўлиб,
туркийлашган сугдийлар, хораз-
мийлар эди. Араб манбаларида
«сарт» дейилганда, Мовароун-
наҳрдаги барча муслмонлар
кўзда тутилган. Мўғуллар Хоразм
фуқароларини «сартлар» деб
атаган.

Бехбудий таъкидига кўра,
«сарт» сўзи Туркистон ўлкаси-
га руслар босқини натижасида
кириб келган. Бунинг асосий са-
баби, русларнинг таржимонлари
қозоқ ва татар миллатига мансуб
бўлиб, маҳаллий халқни сарт-
лар, деб атаганидир. «Туркистон
ва Бухоро халқининг туркиги
маълум бўлиб туриб... на учун
«сарт» атайдурлар?» деб берган
саволига жавоб сифатида қабул
қилиш мумкин. «Сарт» сўзи хусу-
сида жадид, Бехбудийнинг дўсти
ва ҳаммаслаги Бақо Хўжанинг
хам «Ойна»да «Сарт лафзи
аслсиздур» сарлавҳаси остида
Мақолаи чоп этилган. Исмоилбек
Гаспиринский ҳам ўзининг «Тар-
жимон» газетаси ҳамда рус тили-
да нашр этилган «Туркестан-
ский курьер» журналида «сарт»
сўзи номақбул эканлиги хусусида
батафсил маълумот берган.
Бехбудий Исмоилбек Гаспирин-
скийни ўзининг ишонган устози
сифатида қабул қилганлиги нати-
жасида «Сарт» сўзи мажҳулдур»
номи остида туркум мақолалар
берган бўлиши мумкин.

Самарқанд вилоятининг турли
ҳудудларида қозилик қилган

ли, кўш тамғали уруғиданман,
деб таништиради. Улар расмий
ҳужжатларда ўзбек, тожик, араб,
эроний, туркман, киргиз каби
миллат сифатида қайд қилини-
шини таъкидлайди.
Бехбудийнинг «сарт» сўзи
масаласи атрофида бешта мақола
ёзишга сабаб, Бухоро амири
таржимони Баҳромбек Давлат-
шоев «Шўро» журнаlining 1911
йил 16-сонида: «Биз, Туркистон
ва Бухоро халқининг туркиги
маълум бўлиб туриб... на учун
«сарт» атайдурлар?» деб берган
саволига жавоб сифатида қабул
қилиш мумкин. «Сарт» сўзи хусу-
сида жадид, Бехбудийнинг дўсти
ва ҳаммаслаги Бақо Хўжанинг
хам «Ойна»да «Сарт лафзи
аслсиздур» сарлавҳаси остида
Мақолаи чоп этилган. Исмоилбек
Гаспиринский ҳам ўзининг «Тар-
жимон» газетаси ҳамда рус тили-
да нашр этилган «Туркестан-
ский курьер» журналида «сарт»
сўзи номақбул эканлиги хусусида
батафсил маълумот берган.
Бехбудий Исмоилбек Гаспирин-
скийни ўзининг ишонган устози
сифатида қабул қилганлиги нати-
жасида «Сарт» сўзи мажҳулдур»
номи остида туркум мақолалар
берган бўлиши мумкин.

Бехбудий тилшунос сифатида
«сарт» сўзининг келиб чиқиши
билан қизиқади. Унга кўра, қозоқ
миллатига мансуб халқлар тожик,
ўзбек, хусусан, қозоқ миллати-
дан бўлмаган бошқа халқларни
«сарт», деб атаган экан. Бунга
сабаб, Сирдарёнинг қадимги номи
Яксарт эканлиги билан боғланса,
иккинчи тарафдан, чўлда савдо-
гарлик қилиб, «Шум ва қувлиги»
учун «сарт» лақаби орттирилган-
лиги билан изоҳланган. Бу сўз
кўча тилига хос бўлиб, «қабо»,
яъни дағал сўз эканлигини таъки-
длайди. «Туркистонлик извозчик,
аравакаш, мардикор, ошпаз, баъз,
илмисиз тилмоч ва амсоли» ўзла-
рини сарт деб аташларида катта
хатолик бўлиб, улар туркистонлик
деган сўзнинг рус тилидаги тар-
жимаси сифатида қабул қилиш-
ган. Аммо русларнинг ўқимшли
вакиллари «сарт» сўзининг ўрнига
«туземний», «муслманский» сўзла-
рини ишлатишган.

«Сарт» сўзи номаълумлиги
ҳақидаги фикрга венгриялик
шахшунос олим, «Бухоро ёхуд
Мовароуннаҳр тарихи» китоби му-
аллифи Арминий Вамбери, шарқ-
шунос олим, ҳарбий журналист
ва ёзувчи, «Страна бесправия.
Бухарское ханство и его совре-
менное состояние» («Қонунсизлик
мамлақати. Бухоро хонлиги ва
унинг ҳозирги ҳолати») китоби му-
аллифи Дмитрий Логофет, тарих-
шунос олим, этнограф, Сирдарё
вилояти губернатори, «Туркистон»
китоби муаллифи Иван Гейер ҳам
қўшилади.

Лекин шу билан «сарт» сўзи
ҳақидаги мулоҳазалар ақунлан-
майди. «Садои Туркистон» газе-
тасида Абдуллабек исмилик киши
«Сарт» сўзи маълумдур», деган
хулоса билан чиқади. Миссионер
Остроумов ҳам 300 саҳифалик
«Сартлар» деб номланган китоб
нашр қилади.

Умуман олганда, «сарт» сўзи
ўзбек адабиётида учраб туради.
Бу сўз турли вақтда турли этник
қатламга нисбатан айтилган.
Маҳмуд Кошгарий «сарт» сўзини
савдогар маъносиде қўлагани

► Биласизми?

маълум. Алишер Навоий «Муҳо-
камат ул-луғатайн» асариде
туркий тиллардаги саноқид ше-
валар ҳақида баҳс юритиб, «Бу
юз лафздорки, ғариб мақосид
адосида таъйин қилибдурлар-
ки, ҳеч қайси учун сорт тилида
лафз ясамайдурларки, барчаси
муҳтожун илайждурки, тақаллум
чоғида киши анга муҳтож бўлур».
Яъни, «Бу юзта сўзини ингичка
(нозик) мақсадларини ифода-
лаш учун белгилабдурларки,
буларнинг ҳеч бири учун сарт
тилида сўз ясамайдурлар. Лекин
буларнинг барчасига кишининг
эҳтиёжи тушади, сўзлашиш чоғи-
да киши унга муҳтож бўлади».
Алишер Навоийнинг Самарқанд-
даги ҳаёти давомида туркий
(ўзбек) тили ва шевалари ҳақида
қимматли маълумот қолдириб,
«сарт» сўзи қайси халқни ифода-
лайди, деган саволга йўлма-йўл
«форсийлар», деб жавоб бериб
ўтганлиги ҳақида тилшунос
олим Толиб Эрнazarов ўзининг
«Муҳокамат ул-луғатайн ва ўзбек
халқ шевалари» деб номланган
мақоласида келтиради.

Бизнингча, Туркистонда
қадимдан яшайдиган маҳаллий
халқлар қозоқларнинг ибораси-
да Яксарт номи билан боғланиб
«сартлар», деб аталган бўли-
ши мумкин. Шунингдек, «сарт»
сўзи маълум бир касб, яъни
савдогарлар сўзи билан муқо-
би ишлатилган. Бехбудий ҳам
«сарт» сўзи қозоқ ва татарлар
иборасидан келиб чиқиб, Тош-
кент ҳудудларида «сарт арбаси»,
«сарт жойи», «сарт одати» каби
бирикмалардан фойдаланил-
ган ҳолда Самарқанд ва Бухоро
ҳудудларида бу ибора муслмоний
ароба, муслмон шахри,
муслмон одати, деган бирик-
малар орқали ифодаганини
таъкидлайди. Демак, «сарт» сўзи
ҳудудийлик билан боғлиқ бўлиб,
маълум бир ҳудуд аҳолисига
нисбатан ишлатилган.

Дилафрўз РАҲМАТОВА,
Самарқанд давлат чет
тиллار институти ўқитувчиси.



Клавихони қадимги идишларимиз ҳайратга солган

Бизда қадимдан бадий санъатга эътибор кучли
бўлган. Уй деворларидаги безаклардан, маиший
жиҳозларга кибежиримлиги, сермазмунлиги билан
кўпчиликни ҳайратга солган. Масалан, XIII-
XIV асрларда қандкорлар безакларга кумуш ва
олтин ипларда зеб бериб, нақшларнинг нафис
бўлишига ҳаракат қилишган.

Республикамиздаги
археологик қазилмалардан
топилган металл буюмларда
чет эллик усталар номини
учратиш мумкин. Бунга
сабаб Амир Темур юришлари
вақтида чет эллардаги уста-
ларни кўчириб, Самарқандга
олиб келтирилган.
Испан элчиси Клавихо
эсдаликларида Амир Темур
қабулида бўлган вақтида
кўрган идишларга юксак
даражада ишлов берилган-
лиги ҳақида айтиб ўтган.
Уша даврларда Самарқанд,
Бухоро ва Хива шаҳарларида
юқори сифатли ва бежирим
металл буюмлар тайёрлан-
ган.

Бухоро ва Хивадан Рос-
сия амалдорларига совға
сифатида олиб берилган
буюмлар, шунингдек, Ўрта
Осиё савдогарлари келтир-
ган хунармандчилик буюм-
лари ичида олтин суви йури-
тилган гурзи, ўқ, ўткир тиғли
қиличлар ва қилич қинлари
ўша даврдаги усталарнинг
маҳоратидан дарак берган.
XVIII-XX асрларда Бухоро,
Қўқон, Хива, Самарқанд,
Шаҳрисабз, Қарши ҳамда
Тошкент шаҳарлари қанда-
корлик буюмлари чиқари-
ладиган марказга айланган.
Зодагонлар хонадонлари
нақш туширилган идишлар
билан безатилган. Бу буюм-
лар хонадон соҳибининг
давлатманлигини намойиш
қилган. XIX аср ўрталарига
келиб олибсотарлар пайдо
бўлган. Улар хунармандлар-
дан буюмларни арзон баҳода
сотиб олиб, савдогарларга
ёки бозорга етказиб, хар хил
идиш ва бошқа хунарманд-
чилик буюмларини халққа
етказиб беришда савдо
воситачилари вазифасини
бажарган.

Шерзод БАКИЕВ,
Регистрон мажмуеси
гид-экскурсоводи.

► Тиббиётда янги марралар

Хориж фильмларида кўп кузатгансиз, фавқуллода ҳолатларда,
киши бирдан оғир аҳволга тушганда тез тиббий ёрдам машина-
сининг ўзида ёки фалокат юз берган жойда беморга малакали
биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиб, ҳаёти сақлаб қолинади.

«Тез тиббий ёрдам»га ёрдам



Мамлакатимиз тиббиётда ҳам бу
борада дадил қадамлар ташланмоқда.
Самарқанд шаҳар тез тиббий ёрдам
станцияси негизда симуляция мар-
казининг очилиши тез тиббий ёрдам
тизимига ўзига хос янгилик бўлди.
Тез тиббий ёрдам хизмати шифо-
кор ва фельдшерларни ўқитиш учун
мўлжалланган ўқув хоналаридаги
муляжларни клиник ўлим ҳолати-
дан чиқариш учун шифокорлар бор
маҳоратини ишга солиши керак. Муляж
тезкор кўрилган чора-тадбирлар
натижасида нафақат ўзига келади,
балки нафас ҳам ола бошлайди, юрак
уриши, қон босимини ўлчаб, шифокор
нечоғлик тўғри муолажа олиб боргани
аниқлаш мумкин. Муолажа нотўғри
бўлса, муляж табиийки, «ҳаёт билан
видолашади».

- Давлатимиз раҳбарининг «Шо-

шилнч тиббий ёрдам тизимини янада
такомиллаштириш чора-тадбирлари
тўғрисида»ги фармони, шунингдек,
тизимга оид учта қарори билан шоши-
линч тиббий ёрдамни янада ривожлан-
тириш йўналишлари белгиланган, -
дейди марказнинг очилиш маросимида
вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси
бошлиғи Ўринбосари Сўҳроб Зайни-
ев. - Мазкур ҳужжатларда шошилинч
тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасида
таълим сифати ва тиббиёт кадрла-
рини тайёрлаш даражасини ошириш
мўҳимлиги таъкидланган. Шунингдек,
ушбу ҳужжатларда Корея соғлиқни
сақлаш вазирлигига тегишли бўлган
KOFIN жамғармаси билан ҳамкорликда
мамлакат келмасида «Касалхонага
шошилинч тиббий ёрдам салоҳиятини
ошириш» грант лойиҳасини имзолаш
кўзда тутилган. Мазкур лойиҳанинг

умумий бюджети 2,8 миллион АҚШ
долларини ташкил этади. Илк шу каби
симуляция маркази пойтахтда ташкил
этилган бўлса, иккинчиси Самарқандда
очилди. Замонавий, сўнгги техноло-
гиялар асосида жиҳозланган мазкур
марказни ташкил этишда ёрдам берган
ҳамкорларимизга миннатдорлик бил-
дирамиз.

Марказнинг очилиш маросимида
Корея соғлиқни сақлаш вазирлигига
тегишли бўлган KOFIN жамғармасининг
юртимиздаги вакиллари ҳам сўзга чиқди.
- Босқичма-босқич, 2023 йилгача
вилоятдаги барча тез тиббий ёрдам
шифокор ва фельдшерлари мазкур
марказда халқаро стандартлар бўйича
ўқитилиши режалаштирилган, - дейди
марказ бошқарувчиси Эркин Остонов.
- Марказда тиббиёт муассасасига
келгунга қадар беморга илк ёрдамни
кўрсатиш учун мўҳим бўлган жўжатлар,
тезкор ҳолатда энг самарали ёрдам
кўрсатиш усулларини ўргатилади.
Мутасаддиларнинг айтишича, мар-
казда фаолият олиб борувчи тренерлар
Кореянинг Инже университети олим-
лари томонидан ўқитилган. Кейинги
босқичда замонавий тез тиббий ёрдам
автотранспорт воситаларини кўпайти-
риш режалаштирилган.

Гулрўх МҲМИНОВА.

САЙЁҲЛАР

учун қандай шароитлар яратилган?

Ургут туманида Терсак туризм
қишлоғини ташкил этиш бўйича
амалга оширилаётган ишлар натижа-
сида 2021 йил 22 июнь кунин қишлоқ
ҳудудида 25 та оилавий меҳмон уйи
фаолият бошлади.

Ушбу меҳмон уйларида туристлар
учун қишлоқнинг табиий маҳсулотла-
ри, миллий таомлар тайёрлаш бўйича



махорат дарслари, қишлоқнинг этник
урф-одатлари намойиши, агро-туризм
йўналишида чорвачилик, боғдорчи-
лик ҳамда деҳқончиликнинг қадимий
услуглари намойиш этилади.

- Тоғ ён-бағирларида дам олиш
масканларининг ташкил этилиши

сайтларнинг мазмунли ҳордиқ
чиқаришига хизмат қилади, - дейди
«Терсак шаршараси» оилавий меҳмон
уйи бошқарувчиси Қўйсин Ҳасанов. -
Қишлоғимизга 2019 йилда 550 нафар
хорижийлик, 650 нафар маҳаллий
сайёҳ таширф буюрган. Пандемия

сабабли кейинги икки йилда ҳудудга
хорижий сайёҳлар умуман келмади.
Ўтган йилда туристларга қулай шаро-
ит яратиш мақсадида 25 та оилавий
меҳмон уйи ташкил этилди. Бу меҳ-
мон уйларида 17 таси рўйхатдан
ўтган бўлиб, ҳудудга ташриф буюр-
ган сайёҳлар тоғ туризми йўнали-
шида пиёда, от ва бошқа уловларда
сайр қилиши, қишлоқнинг ўзига хос
табиати ҳамда урф-одатлари билан
танишиши мумкин. Шунингдек, кел-
гусида туристлар қамровини янада
кўпайтириш мақсадида яна 9 та
меҳмон уйи ташкил қилиш ишларини
бошлаб юборганмиз.

Ф.РҲЗИБОВЕВ.

15 ЯНВАРЬ
Абдуқодир АБДУВОҲИДОВ – 1943
йилда Қўшарбот туманида туғилган. «Эл-юрт
хурмати» ордени соҳиби.
Раззоқ ҒАФФОРОВ – (1932-2001). Са-
марқанд туманида туғилган. Филология фанла-
ри доктори.
Ақтам ҒАФУРОВ – 1944 йилда Ургут
туманида туғилган. Ветеринария фанлари
доктори, профессор.

Шавкат ҲАСАНОВ – 1967 йилда Бухоро
вилояти Шофиркон туманида туғилган. Фи-
лология фанлари доктори.
Ольга СУХАРЕВА – (1903-1983). Тарих
фанлари доктори.

18 ЯНВАРЬ
Нурали ХОЛМОНОВ – 1960 йилда туғил-
ган. Қишлоқ хўжалик фанлари доктори,
профессор.

МАТБУОТ УЙИ

Zarafshon

САМАРҚАНДСКИЙ
ВЕСТИНИК

МУАССИС: Самарқанд вилояти ҳокимлиги

Бosh муharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat matbuot va axborot
boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438.
21 997 nusxada chop etildi. Buyurtma 26. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, **REKLAMA VA E'LONLAR:** (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining
kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ
bosmaxonasida chop etildi.

Korxonа manzili: Samarqand
shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti:
soat 18:30 da.

Bosishga topshirildi:
soat 19:00

Navbatchi muharrir:

A.SHERXOLOV.

Navbatchi:

O'.XUDOYBERDIYEV.

Sahifalovchi:

B.ABDULLAYEV.



Saytimizga o'tish uchun
QR-kodini telefoningiz
orqali skaner qiling

ISSN-201667X



Sotuvda
narxi kelishilgan holda